


	тизимдаги мурожаатномаларни бошқаришнинг дастури.	
171.	X.To`raev. Sog'lom turmush tarzni shakillantirishda jismoniy tarbiyani o'rni.	525
172.	Azimov B.R. Splayn –funktsiyalar yordamida approksimatsiyalash.	528
173.	M.J. Saidova. Korxonalarni modernizatsiya qilish va ishlab chiqarishni diversifikatsiya qilish jarayonlarida boshqarishning ahamiyatini oshirish.	530
174.	M. J. Saidova. Boshqarish samaradorligiga ta'sir qiluvchi iqtisodiy ko'rsatkichlar.	532
175.	F.Sultonova, N.Turg'unova. Ishlab chiqarish texnologiyalarini ta'lim sohasida qo'llashning istiqbollari.	535
176.	Ф. И.Каримова. Интерактивные методы в обучении языку.	536
177.	Мадиханова Н.С., Султанова Д. Сайёхлик (туризм) соҳасини сертификатлаштиришдаги замонавий муаммолар.	538
178.	Б.Юлдашев,С.Жамолдинов. Тижорат банкларида молиявий натижалар таҳлилини ўтказиш тартиби ва унда амалга ошириладиган усуллар.	542
179.	Б.Б.Шакиров, У.М.Мўминов. Сув олиш иншоотларини аванкамерасининг гидравлик иш шароити.	545
180.	Ро'latova O., Sayidaxmedov S., Olimova X. Yoshlar ongiga mafkuraviy immunitet tushunchasini singdirishning psixologik omillari.	549
181.	Ахмедов А.Н., Анафиева Ш. Методика планирования экспериментальных исследований токов утечки в электроустановках зданий.	551
182.	О.Мухторов, Г. Тохирова. Ишлаб чиқаришни ташкил этишда раҳбар фаолиятининг психологик жиҳатлари.	554
183.	Nurmatova N.Kh. Discussion of the approach Communicative Language Teaching (CLT) in EFL classes.	557
184.	Xolmatov O.O. Remote control using bluetooth module on arduino.	562
185.	Qosimov M.A. Actuating logistic system with the help of the internet.	566
186.	Ш.О.Умарова, Г.А. Ахмаджонова, Абралов М.А. Кам углеродли пўлатларни пайвандлашда пайванд чокларидаги ғоваклар.	569
187.	M.M.Sobirov, A.A.Xolmatov. Ishlab chiqarish bilan bog'liq bolgan mavzularni modul asosida o'qitish.	572
188.	S. V. Atajonova., A.X.Madaminov. Sanoat robotlarining ilgarilanma harakatini matematik modellashtirish.	575
189.	Юлчиев Д.Г. Тупрокнинг мелиоратив ҳолатининг ўсимлик ҳосилдорлигига таъсири.	578
190.	Г. Л. Бабаева. Таржима назариясининг объекти ва унинг асосий вазибалари.	582
191.	Жуманов А.А. Ноанъанавий таълим моделлари.	586
192.	М.М. Ма'муров., Т. Djalilova. Kub tenglama yechimlari va tadbirlari.	588
193.	F. Karimova. Methods of learning foreign language.	593
194.	Xolmatov O.O., Toyirjonov Z.A. Programming language for mechatronics.	595
195.	Sh.Yo`ldashev, S.Zaynabiddinova. O'quv jarayoniga zamonaviy innovatsion texnologiyalarni joriy etish.	599
196.	Ахунджанов У.Ю., У.Насриддинов,Набижонов. Информационные	601



5. rasm. Yuza qalinligi funktsiyasidagi manipulyator harakat tezligini o'zgartirish

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki Manipulyator dizayni va sensorlari, manipulyatorlarning yoylari, nazariy jihatdan ko'pgina vaziyatlarga mos universal qurilmalar bo'lsada, iqtisodiyotda odatda mo'ljallangan vazifa manipulyatorning mexanik dizayniga ta'sir qilad hamda uning ish samaradorligini aniqlab beradi.

Adabiyotlar

1. Селевцов Л.И., Селевцов А.Л. “Автоматизация технологических процессов” 3-э издание.,Москва:, Издателский центр“Академия”.2014 г.
2. www.kipexpert.ru

ТУПРОҚНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИНГ ЎСИМЛИК ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

*Юлчиев Давронбек Гуламович, ассистент
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари
институтини*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1958-сонли Қарорига асосан 2013-2017 йиллар давомида жами 25 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш тизими, 45 минг 600 гектар майдонда эгатга плёнка тўшаб суғориш усули ҳамда 34 минг гектар майдонда эса ўқ ариқлар ўрнига кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш усуллари жорий этилиши белгиланган. Мазкур Қарорга асосан 2013-2014 йилларда эксперимент тариқасида “Суғориладиган ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси” томонидан ажратилаётган маблағларнинг 5 % игача қисмини томчилатиб суғориш тизимларини жорий қилаётган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига тижорат банклари орқали йиллик имтиёзли кредит сифатида ажратиш белгиланган. Қарорнинг ижросини таъминлаш ҳамда сувни

тежайдиган замонавий суғориш усулларни жорий этган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 21 июндаги “Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 176-сонли қарори қабул қилинди. Қарорда томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ҳар йили тасдиқланадиган томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш Давлат дастурлари асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Ғўза ва бошқа экинларда қўлланиладиган агротадбирлар-уруғ экиш, унинг муддатлари, ерни тайёрлаш, шўр ювиш, тўлик қўчат ундириб олиш, навлар, ер ости сизот сувлари сатҳи ҳар хиллиги муайян шароитга мос бўлиши зарур[1].

2004 йили суғорма майдоннинг 246,96 минг гектарини ёки 48,9 фоизини яхши, юқори ҳосилдор ерлар ташкил қилган бўлса, 2007 йилга келиб, бундай ерлар 50,6 фоизгача ошди. Қисқа давр ичида қониқарли ерлар 219,54 минг гектардан 215,63 минг гектаргача, яъни 10 фоизга камайган. Умумий суғориб келинаётган майдоннинг 6,4 фоизини - 32500 гектарини, 2007 йили 5,9 фоизини ёки 30600 гектарини қониқарсиз ерлар ташкил қилди. Кузатилган уч йил мобайнида қониқарсиз ерлар 1900 гектарга ёки 5,9 фоизга камайди. 45 Суғориладиган ерларда ер ости сизоб сувларининг чуқурлиги мавжуд 3063 та кузатув кудуқлари ёрдамида мунтазам назорат қилиб борилди. 2007 йилги ҳолатга кўра, сизоб сувларнинг жойлашиш сатҳи 1 метргача бўлгани 280 гектарни, 1-1,5 метргача бўлгани 2590 гектарни, 1,5-2 метргача бўлгани 16140 гектарни, 2-3 метргача бўлгани 199600 гектарни, 3-5 метргача бўлгани 167450 гектарни, 5 метрдан паст бўлгани эса 119700 гектарни ташкил қилди. Сизот сувларнинг шўрланганлик даражаси бир литрида мазкур майдонларнинг 99610 гектарида 1 граммни, 131060 гектарида 1-3 граммни, 275100 гектарида 3 граммни ва ундан ортиқроқни ташкил қилди.

Умуман, сизот сувларнинг минераллашув даражаси йил сайин пасайиб бормоқда. Бу, ўз навбатада, сизот сувлар сатҳини мазкур катталиқда сақлаб ёки уни сунъий равишда димлаб (тўсиб), сув камчил бўлган шароитларда субиригация усули орқали экинларни амал давридаги суғоришлар сонини камайтириш имконини беради. Чунки, ҳар бир литр заҳ сувида 1-3 граммгача туз бўлганда ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда сувни тежаш тупроқ шўрланишига катта таъсир кўрсатмайди, ҳосилдорликни кескин камайтирмайди, суғориш сувларини 25-30 фоизга иқтисод қилиш имкониятини яратади. Шу нарса маълумки, сизот сувларнинг жойлашиш сатҳи 1,5-2 метр бўлгани 2-3 метр бўлганига нисбатан бир марта, 3 метр ва ундан паст бўлган шароитларга нисбатан эса икки марта кам сув талаб қилади. Суғорма ерларнинг

мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун 13895,87 километр узунликдаги очиқ ва ёпиқ-ётиқ, зовур тармоқлари хизмат қилади. Хўжаликлараро зовурлар 2533,82 километр, ички хўжалик очиқ зовурлар 4551,58 километрни, ёпиқ-ётиқ зовурлар 6810,47 километрдан иборат. Суғориб келинаётган майдонларнинг 293920 гектари ёки умумий майдонинг 58 фоизи коллектор-зовур тармоқлари билан таъминланган. Бугунги кунда суғориладиган майдонларнинг 264370 гектари ёки 52 фоизи шўрланмаган, 175460 гектари ёки 35 фоизи кучсиз шўрланган, 51690 гектари ёки 10 фоизи ўртача шўрланган, 14250 гектари ёки 3 фоизи кучли ва жуда кучли шўрланган шўрхок ерлардир. 2004 йилги ҳолат билан таққослаганда, шўрланмаган майдон 2,8 фоизга, кучсиз шўрлангани 2,7 фоизга ошган бўлса, ўртача шўрлангани 13,3 фоизга, кучли ва жуда кучли шўрхок ерлар 7,3 фоизга камайган[2].

Тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда мелиорация ишлари катори агротехник тадбирлар ҳам меъёрида бажарилиши катта аҳамият касб этади, айниқса, кузги-кишки тадбирлар - ерни шудгорлаш олдидан маҳаллий ва маъдан ўғитлар бериш, кузги шудгорлаш, асосий ва мавсумий (жорий) текислаш, шўрланган майдонлар шўрини ювиш кабилар мавжуд технологияларга риоя этган ҳолда амалга оширилиши пахта ва бошқа зироатлардан юқори ҳосил олишга пухта замин яратади[3].

Пахта ва бошқа экинлардан юқори ҳосил олишда энг асосий тадбирлардан бири кузги шудгорни 5 вақтда ва сифатли ўтказишдан иборатдир. Уни ўтказишда хайдов чуқурлигини тўғри белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун шудгор чуқурлиги ҳар қайси зонанинг тупроқ шароитига қараб табақалаштирилиши керак. Механик таркиби энгил, ҳайдалма қатламининг пастки қисми юмшоқ, бўлган ерларни 30-32 см чуқурликда, механик таркиби оғир бўлган ерларни эса 35-40 см чуқурликда хайдаш лозим. Ерларни хайдашда ҳосил бўлган плуг товонини ва пастки қатламини 50 см ва ундан ҳам чуқурроқ, қилиб юмшатиш учун плугларга чуқур юмшаткичлар ўрнатиш мақсадга мувофиқдир. Кузги шудгор қўш ярусли плуглар билан ўтказилса, бегона ўт ва ҳашарот уруғларининг қолдиқлари ерга чуқур кўмилади. Бу усул тупроқнинг яхши 46 майдаланишини таъминлайди, ер оддий плуг билан хайдагандагига қараганда бегона ўт ва зараркунандаларни анча камайтиради[2].

Суғориладиган майдонларнинг 32 минг гектардан ортиқ қисмида шўр ювиш ишлари амалга оширилади. Шўр ювишда ўсимлик илдизи тарқаладиган (1-2 метр) тупроқ қатламидан сувда тез эрувчан, ўсимликнинг меъёрида ривожланиши учун зарарли бўлган тузларни чиқариб ташлаш назарда тутилади. Бунда асосий эътибор энг аввало, коллектор-зовур тармоқларини тозалаш ва ерни сифатли шудгорлашга қаратилиши керак[3].

Шўр ювишда дала яхшилаб текислангандан сўнг поллар дала узунлиги ва энига, қиялиги ва шўрланиш даражасига қараб, 0,1-0,25 гектарли, асосли

текисланганда эса 0,5 гектарли бўлакларга бўлиб чиқилади. Сувни бир меъёрда қўллаш, полга ўтмаслиги учун полларнинг баландлиги 40-50 см бўлиши лозим, акс холда сувда эриган тузлар полдан-полга ўтиб, охиргисида тўпланиб қолади ва ҳар хил шўрланишга олиб келади. Полларга сув фақат ҳар икки пол орасидан вақтинча олинган ўқариқлар орқали тўлғазилади[3].

Шўр ювишда асссий эътибор оз сув сарфлаб, зарарли тузлар тупроқ пастки қатламига ювилиб тушишига қаратилади. Сув меъёри ернинг шўрланиш даражаси, ер ости сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги ва уларнинг минерализацияси ҳамда коллектор-зовур тармоқдари мавжудлигига қараб белгиланади. Шўр ювиш аввало, кучли шўрланган, механик таркиби оғир, коллектор-зовурлардан узок бўлган майдонлардан бошланади. Қумлоқ, кучсиз жойлашган, хлор тузи миқдори билан 1 метр тупроқ қатламида гектарига 1,4-4,2 тонна ёки 0,01-0,03% бўлганда сизот сувларининг 3-3,5 метр чуқурлигида шўр ювиш учун 2000 м³, 2-2,5 метр чуқурлигида 2500 м³, 1-1,5 метр чуқурлигида эса 3000 м³ сув кифоя қилади. Кучли шўрланган (хлор миқдори 0,2% ёки гектарига 28 тонна туз бўлганда) майдонларда ер ости сизоб сувларининг жойлашиш чуқурлигига қараб, капитал шўр ювишда сув меъёри 5000-9500 м³ белгиланади. Шундай шўрланган, аммо оғир механик таркибли ерларда сув меъёри яна 20-25 фоизга оширилади. Шўр ювишда поллар секундига 40-50 литр сув оқизиб, тез тўлғазилади[4].

Кучли шўрланган майдонларда шудгор олдида ҳар гектар ерга 30-40 тоннадан гўнг солинса, тупроқ яхши ювилади, гўнг солинмай ювилганига нисбатан ҳосилдорлик 5-7 центнерга ошади ва дастлабки йили юқори ҳосил олишга имконият яратилади. Янгидан ўзлаштирилган ва кучли шўрланган майдонларда капитал шўр ювишда 25-40 метр ораликда 1,0-1,1 метр чуқурликда муваққат зовурлар олиш, тузнинг қисқа вақт ичида ювилишини таъминлайди, келгуси йилларда экинлардан юқори ҳосил олишга имкон беради, қайта шўрланиб кетишининг олди олинади[4].

Юқорида таъкидланган мелиоратив ва агротехник тадбирлар мўътадил муддатларда ўтказилиши тупроқнинг мелиоратив ҳолати яхшиланишига, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олиниши учун мустаҳкам замин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги “2013-2017 йиллар даврида Суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-1958.

2. Хамидов М.Х., Шукурлаев Х.И., Маматалиев А.Б. Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелиорацияси. –Т.: Шарқ, 2008. -408 б.

3. Нешина А.Н. определение сроков полива хлопчатника по величине сосущей силы листьев. Труды Ак-кавакской центр агротехн. станции. Изд-во САГУ, Ташкент, 1955г.

4. Радионов В.С. Диагностика сроков и возможность определения норм полива попоказа концентрации клеточного сока кукурузы. Физиология растений. Т-9, вып-I. 1962

ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИНING ОБЪЕКТИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Г. Л. Бабаева ассистент
Андижон машинасозлик институти

Бизга маълумки, инсоният тарихида жамият учун бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш ҳеч қачон осон кечмаган. Ҳар бир даврда туб ислохотлар олиб бориш, шу соҳага янгиликлар киритиш қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради. Мустақилликни қўлга киритиб, юксак марраларни кўзлаб, одимлаб бораётган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳам қатор ўзгаришлар рўй бермоқда. Кўплаб тармоқлар қаторида мамлакатимизда илм-фан ва маърифат соҳасида ҳам кўзга кўринарли ишлар олиб борилмоқда. Мустақил Ўзбекистонимизнинг равнақи, ривожланиши учун Ватанимиз келажаги бўлган бизлар, яъни ёшларнинг чуқур билим олишига, хусусан жаҳон ҳамжамиятида салмоқли ўрин эгаллаб турган хорижий тилларни мукамал ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Биз ўтмиш меросимизни қанчалик пухта билсак, бугунги кунимиз кадрини мазмунини шу қадар теранроқ англаб етамиз. Рус революцион демократлардан бири Н.Г. Чернишевскийнинг бу ҳақида «Ўтмишни унутма, ўтмиш келажакнинг устозидир», - деган эди.

Миллатлараро мулоқотнинг энг муҳим воситаларидан бири бўлмиш таржима миллий адабиётларнинг пайдо бўлиши ва тараққий этишида жуда катта роль ўйнаши ҳеч кимга сир эмас. XX асрда таржима фаолияти шу қадар кучли ривожландики ва бу жараён XXI асрда ҳам давом этмоқда, ҳаёт янги бир фан — таржима назарияси, ёки бошқача қилиб айтганда таржимашунослик фанининг пайдо бўлишига олиб келди.

Ҳозирга пайтда таржима ҳақида алоҳида бир фан борлигини, жумладан умумий таржима назарияси ҳамда бадиий таржима назарияси каби катта йўналишга эга бўлган изланиш соҳасини борлигидан беҳабар одам бўлмаса керак.

Жамият ҳаётида катта роль ўйнаган ҳолда таржима азал — азалдан адабиётшунос, психолог, этнограф ва тилшуносларнинг диққатини ўзига